

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

*Чирчиқ Олий Танк Қўмондон – муҳандислик
билим юрти ҳарбий психология кафедраси
доценти*

Чори Насриддинов

Мен ўқитувчи сифатида курсантларнинг таълим – тарбиясига ижобий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай восита мақбул, деган ақидага амал қиламан. Шундан келиб чиқиб, ўзим ўқув машғулотлари олиб борадиган гуруҳлардаги курсантларга “Маданият ва маърифат” телеканали орқали намойиш этиладиган “Чол ва денгиз” бадиий фильмини томошо қилиш вазифасини топширдим. Мободо кун тартиби бўйича муаммо бўладиган бўлса, бўлинма командиридан илтимос қилишимни ҳам айтдим. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки психология фанидан бўладиган кейинги ўқув машғулотимиз ирода ва уни ҳарбий хизматчиларда шакллантириш мавзусига бағишланган эди. Ҳар тугул йигитлар фильмни кўришибди, шанба кuni бўлганлиги учунми, командирлар ҳам уйқу вақтида телевизор кўришни тақиқлашмабди. Кейинги ўқув машғулотлари вақтида “Фильм нима ҳақида экан?” деган саволимга ҳамма курсантлар жўр бўлишиб: “Инсон иродаси тўғрисида!” дея жавоб беришди. Асардаги энг муҳим нуқтани ҳам тўғри англашибди, ҳақиқатан ҳам, бош қаҳрамоннинг “Мен энгдим!” деган нидоси фильмнинг кульминацияси ҳисобланади.

Жаҳон мумтоз адабиёти намоёндаларидан бири – Э. Хеменгуэй қаламига мансуб бу асар “оламнинг гултожи” бўлган инсон иродасига бағишланган. Гарчи курсантларимиз бу китобни ўқишмаган бўлишса – да, фильм томошасидан кейин, уларнинг бадиий асарларга бўлган қизиқишлари ошганлигига ишонаман.

Шу ўринда мазкур телеканал орқали намойиш этилган яна бир асар – кўп қисмли “Даҳо” бадиий фильми ҳақида ҳам баъзи бир фикр – мулоҳазаларимни айтмоқчи эдим. Хорижлик ижодкорлар томонидан суратга олинган бу киноасар машҳур физик олим – А. Эйнштейн ҳаёт – фаолиятига бағишланган. Агар таъбир жоиз бўлса, томошабинни экран қаршисига “михлаб кўядиган” бу фильмнинг ўзига хослиги нимада? Тўғри, Эйнштейн аввало олим ва шахс сифатида инсоният тарихидаги энг улуғ сиймолардан бири. Буни ҳар бир маърифатли ватандошимиз яхши билади. Бироқ асардаги воқеалар силсиласи, актёрлар ижроси, ўша давр руҳини тўла – тўқис акс эттирувчи тасвирлар ўзининг улуғворлиги ва ҳаққонийлиги билан фандан бир қадар узоқ бўлган томошабинни ҳам оҳанрабодек ўзига маҳлиё қилади. Асарда буюк олим ўз назариясида башорат қилган ва оддий инсонлар назаридан бир қадар йироқ бўлган борлиқ ҳодисалари – майдон эгрилиги - ю катта массалар яқинида, шунингдек, улкан тезликларда вақтнинг секинлашиши каби ҳодисалар ўзига хос содда йўсинда ифодалаб берилганки, бу ҳол фильмнинг мазмун – моҳиятини янада оширади. Шу маънода уни бадиий – интеллектуал фильм, деб аташ мумкин. Зеро Эйнштейннинг ўзи борлиқнинг энг катта мўъжизаси уни билиш имкониятининг мавжудлигидир,

дея таъкидлаган эди[1]. Албатта, илмий ғояларни, айниқса, мавҳум тушунчалар замирига қурилган нисбийлик назариясидек таълимотни ҳамма ҳам бирдек тушуниб етавермайди. Шундай бўлса – да, ҳеч бир томошабин фильмдаги инсон ва ғоялар драмасига лоқайд муносабатда бўлолмаса керак, деб ўйлайман. Мен, аввало томошабин, қолаверса, руҳшунос мутахассис сифатида бир нарсага эътибор бердим. Гап шундаки, Эйнштейнларнинг оилавий можаролари, шунингдек, олимнинг ижтимоий адолат учун кураши авжи аълосига чиққани сайин, ижодкордаги даҳолик ҳодисаси ҳам шунчалик кўп ва ёрқин намоён бўла боради[1]. Олим томонидан энг муҳим кашфиётларнинг айнан шу даврда яратилганлиги ҳам бежиз эмас. Бу эса олимдаги ижодий қувват ҳар доим ҳам яхши ҳаёт натижаси бўлавермаслигини англатади. Агар бу хулосамизни Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек каби буюк аждодларимиз фаолиятига тадбиқ қиладиган бўлсак, уларнинг ҳаёти нақадар оғир кечганлигини англаб етишимиз унчалик ҳам қийин эмас.

Шу ўринда миллий тарихимиз ва маданий – маънавий меросимиз қанчалар бой эканлигига имон келтирасан киши. Чунки улуғ аждодларимизнинг ҳар бири жуда катта ва қизиқарли бадий, илмий, тарихий, фалсафий, айниқса, киноасарлар учун бой материал бераолади. Гарчи бу фикрим далиллашга эҳтиёж сезмаса – да, биргина мисолга мурожаат қилмоқчиман. Яқинда таниқли ёзувчи Ражаббой Раупов қаламига мансуб бўлган “Устун” деб номланган роман – эссэни яна бир бор ўқиб чиқдим. Ким ўқиган бўлса билади, асар йигирманчи асрнинг 40 – 60 йилларида республикамиз ижтимоий – маънавий ҳаётида катта ўрин тутган олим, академик Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаевнинг ҳаёт – фаолиятига бағишланган. Геология фанида улкан кашфиётларни амалга оширган бу ватандошимизнинг умр йўллари осон кечган эмас. Мутолаа жараёнида ўша уқубатли йилларда юртимизни озод кўришни истаган улуғ бир сиймо кўз олдингизда намоён бўлади. Агар ушбу роман асосида кўп қисмли бадий фильм яратиладиган бўлса, ўз ҳаётини илм – фанга бағишламоқчи бўлган ёшлар, қолаверса, бутун халқимиз учун катта тухфа бўлган бўлар эди. Мамлакатимиз президенти ҳам илм, маданият ва санъат намояндалари билан бўлиб ўтган учрашувида айнан шу масалада ҳақли равишда юртимиз киноижодкорларига эътироз билдирган эдилар.

Демак, биз томошабинлар ижодкорлардан шундай киноасарларни кутишга ҳақлимиз.

АДАБИЁТЛАР

Р. Бекжонов. “Альберт Эйнштейн ва нисбийлик назарияси” Фан нашриёти, Тошкент 1988 йил.